БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 29 (3511).

10 февраль ЖУМА 1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ МОНОЛИТ БИРЛИГИ

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи коллективининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Петр Нилович Демичевни** 58—Металлургия сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида завалка қиладиган машина машинисти Ч. Маҳмудовнинг таклифи якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Айни маҳалда йиғилиш қатнашчилари металлургия заводининг мастери **Қурбонвали Тошматовни** шу сайлов округидан депутатликка номзод қилиб тавсия этдилар.

Тошкент шаҳридаги 1-босмахона коллективининг йиғилишида шу босмахонанинг илғор ишчиси **Муборак Ҳолматова** 24 — Олмазор сайлов округидан Республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Ишчи ва хизматчилардан икки мингга яқин киши икки смена орасида 7 февралда «Узбексельмаш» заводининг майдонига тўпланишди. Корхона партия комитетининг секретари С. А. Свистунов сайлов олди йиғилишини очиб қуюв цехининг старший мастери Миртолиб Мирзаахмедовга сўз беради.

— Халқимиз бу йилги сайлов кампаниясини, — деди у,— жонажон Совет давлатининг шонли юбилейи йилида ўтказмоқда. Ўзбекистон машинистлари шонли санани меҳнатда янги ғалабалар билан нишонлашга қатъий бел боғлаганлар.

Кекса ишчи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Николай Викторович Подгорнийни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида таклиф киритади.

Завод директори Н. Р. Мирзараҳимов бу таклифни қувватлаб, трубопроводчи слесарь **Андрей Егорович Кочетковни** республика давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. А. Е. Кочетков илғор ишчи ва актив жамоатчи бўлиб, айни вақтда шаҳар советининг депутатидир.

Сайловолди йиғилишида электромонтер Б. И. Витвинов, завод марказий лабораториясининг оператори Д. Нурматова, электрпайвандчи А. Турдиалиев сўзга чиқиб, кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш Н. В. Подгорний билан А. Е. Кочетковни 20 — Комсомол сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

«Чирчиксельмаш» заводининг клуби одамлар билан лиқ тўла эди. Корхона ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари кундузги смена тугаганидан кейин сайловолди йиғилишида қатнашмоқ учун бу ерга келишди.

Завод партия комитетининг секретари С. Асриянц тўпланганларнинг қарсаклари остида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **Леонид Ильич Брежневни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди.

Кўрак териш машиналари цехининг бошлиги М. Шперберг киритилган таклифни қизғин қувватлаб, илғор ишчи, актив жамоатчи, электрпайвандчи **Татьяна Федоровна Буданцевани** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Т. Ф. Буданцева корхонада 17 йилдан буён ишлаб, кўпгина ёш ишчиларга ўз тажрибасини ўргатди.

Комплектловчи Т. Сайдаметова, мастер В. Свидерский, завод директори В. Супиталев, темирчилик — пресслаш цехи партия ташкилотининг секретари С. Васильчиков ана шу номзодларни кўрсатишга рози эканликларини билдирдилар.

Л. И. Брежнев билан Т. Ф. Буданцевани 62—Сельмаш сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилинди.

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети, область, шаҳар, район, қишлоқ ва овул Советларига сайловларнинг янги ва масъулиятли даври бошланди. Ҳамма ерда меҳнаткашлар ўзларининг энг яхши фарзандларини, ишда, ҳаётда, жамоатчилик фаолиятида намуна кўрсатган ўғил ва қизларини давлат ҳокимиятининг олий органларига номзод қилиб кўрсатмоқдалар. Булар орасида турли касб ва ҳунар эгаларини, бир онла, бир коллектив бўлиб иноқ яшаётган ва нжод қилаётган турли миллат кишиларини кўриш мумкин.

Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловлар бу йил унутилмас тарихий кунларда, ҳар бир совет кишиси учун шавқ-завқ бахш этаётган, унинг меҳнати ва олижаноб фазилатлари яна ҳам улуғланаётган қувончли пайтларда ўтмоқда. Бутун мамлакатимиз инсонят тарихида янги давр очиб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрянти. Октябрь, Совет ҳокимияти мазлум халқларга озодлик, бахтли ва саодатли йўлни кўрсатиб берди. Мамлакатимизни порлоқ, тараққиёт йўлига олиб чиқди. Совет Ватанида меҳнаткаш халқ биринчи марта давлатни бошқариш, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда актив қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Ўтган ярим аср мобайнида мамлакатимиз асрлар ва тарихларга тенг шонли ва зафарли йўл босиб ўтди. Совет кишисининг ҳаётида унутилмас жуда катта ўзгаришлар юз берди. КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан қабул қилган қарорида мамлакатимиз босиб ўтган йўл, совет халқининг ижодий ва яратувчилик меҳнати ёрқин кўрсатиб берилган.

Совет кишилари озод ва бахтли ҳаёт учун, бугунги фаровон турмушимиз ва эртаги порлоқ истиқболимиз учун Коммунистик партиядан, Совет ҳукуматидан ғоят миннатдордирлар. Шунинг учун ҳам унинг ишига, йўлига муҳаббатимиз, садоқатимиз юксак ва беиҳоядир. Маҳаллий Советларга сайловларга тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда халқимизнинг ана шу муҳаббати ва садоқати янада зўр куч ва қудрат билан намоён бўлмоқда. Олий Совет ва маҳаллий Советлар депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлар меҳнаткашларнинг сиёсий ва меҳнат активлиги ғоят ўсганлиги, халқ билан партиянинг монолит бирлигини, коммунистлар билан партиясизлар блокининг ҳамиша мустаҳкам эканлигини яна бир бор намойиш қилмоқда. Меҳнаткашлар ўзларининг энг яхши вакилларини номзодликка кўрсатмоқдалар.

Республика Олий Совети ва маҳаллий Советлар депутатлигига номзод қилиб партия ва ҳукумат раҳбарлари, колхоз ва совхозлар, корхона ва ташкилотлар, ўқув юртлари, шахта ва конларда, янги шаҳарлар ва районлар қурилишида, қишқаси коммунистик қурилишнинг турли соҳаларида ўз меҳнати билан, партия ва ҳукуматимиз ишига садоқати билан намуна кўрсатган энг яхши кишилар кўрсатилмоқда. Улар сайловолди йиғилишларида ҳамма томонидан якдиллик ва ғоят баланд руҳ билан «бизнинг номзодимиз», «халқимизнинг муносиб фарзандлари» деб ҳурмат ва иззат билан тилга олинмоқда. Номзодлар орасида меҳнат фронтининг олдинги, жонкуяр, ажойиб фазилатлари ва ҳислатлари билан ҳаммага намуна бўлаётган кишилар—ишчилар, колхозчилар, интеллигентлар, бинокорлар, агрономлар, ўқитувчилар, врачлар, кимёгарлар, санъат-адабиёт аҳллари, турли касб, турли ҳунар вакиллари бор. Тошкентдаги тепловоз вагон-ремонт заводи коллективи Ленин орденли ишчи Л. А. Реутни, В. П. Чкалов номидаги авиация заводининг коллективи слесарь Икром Акмаловни, «Узбексельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари трубопроводчи слесарь А. Е. Кочетковни, «Чирчиксельмаш» заводининг коллективи илғор ишчи, актив жамоатчи электр пайвандчи Т. Ф. Боданцевани Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар. Булар халқимизнинг асл фарзандларидирлар.

Сайловолди йиғилишида сўзга чиқаётган кишилар ўзларининг энг яхши вакилларини номзод қилиб кўрсатиш билан бирга, партия ва ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар. КПСС XXIII съезди, партия Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини амалга ошириш, юбилей йилини меҳнатда, ижодда, ҳамма соҳаларда янги зафарлар билан нишонлашга бел боғлаганликларини қувонч билан айтмоқдалар. Беш йиллик планнинг муваффақиятли бажарилиши мамлакатимизнинг коммунизм нурли чўққилари сари улкан одимини янада тезлаштиради, халқимизга янги ва қувончли натижалар олиб келади.

Совет кишилари партия ва ҳукуматимизнинг ленинча ташқи сиёсатини қизғин маъқулламоқдалар. Америка империалистларининг Вьетнам халқига қарши ваҳшийларча олиб бораётган босқинчиликлари ҳар бир совет кишисининг қаҳр ғазабини оширмоқда. Қудратли социалистик лагерь империалистларнинг янги уруш оловини ёқиш йўлидаги барча ҳаракатлари ва уринишларига қатъий зарба бериб, тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги учун кураш олиб бормоқда.

Совет ҳукуматининг Хитой Халқ Республикасига нотасини мамлакатимиз меҳнаткашлари қўллаб-қувватламоқдалар. Хитойларнинг советларга қарши иғвогарликлари, жаҳон коммунистик ҳаракатга катта путур етказаётган бузғунчилик сиёсатлари ва уларнинг совет кишиларига нисбатан ҳурматсизлик ва безориликлари барча совет кишиларининг нафрати ва ғазабини қўзғатмоқда. Шу муносабат билан жойларда бўлиб ўтаётган митингларда Хитой раҳбарларининг хатти-ҳаракатлари, иғвогарлик ва бебошликлари қаттиқ қораланмоқда. Митингларда қабул қилинаётган қарорларда ХХР ҳукуматининг совет кишиларига қонунсизлик ва ўзбошимчалик қилишини тўхтатишни талаб этмоқдалар.

Пролетар интернационализми, халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги, барча коммунистик ва ишчи партияларнинг монолит бирлигига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати тинчлик, миллий мустақиллик ва коммунистик ҳаракатнинг бирлиги учун бундан сўнг ҳам изчиллик, сабот ва қатъиятлик билан кураш олиб бораверади. Коммунистик партиянинг бутун фаолияти мамлакатимиз куч ва қудратини мустаҳкамлаш, коммунизмнинг моддий-техника базасини янада ошириш, халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилгандир. Унинг бу йўлда олиб бораётган бутун ишлари, фаолияти, чора ва тадбирлари ҳар бир соҳада ўз ижобий самараларини бермоқда.

Республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловларга тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда оммавий-сиёсий ишларни ҳар тарафлама кучайтиришимиз, унинг таъсирчан ва натижали бўлишига эришишимиз лозим. Саноат корхоналари, колхоз ва совхозларда, қурилишлар, транспорт, корхона ва муассасаларда умумхалқ социалистик мусобақасини янада кучайтиришимиз, юбилей йилини меҳнатда янги зафарлар билан нишонлашимиз керак.

Халқимизнинг бутун кучи, ғайрат ва ташаббусини, шижоати, жўшқин қалб ҳароратини беш йилликнинг улуғвор вазифаларини муваффақият билан ҳал этишга сафарбар қилайлик!



ЧИРЧИҚДАГИ трансформатор заводи коллективи янги хил серия даги маҳсулотни тайёрлашга киришди. Бу хил трансформаторлар катта кучланишга эгадир. Йил охиригача кўплаб ТМН-2,500/110 киловольтли трансформаторлар тайёрланиб заказчиларга жўнатилади. Суратда: пешқадам йиғувчи слесарь Айдер Аблязов навбатдаги трансформатор узелларини йиғаяпти.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Қ. ИЎЛДОШЕВ бошлиқ бригада аъзолари шу кунларда Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига ўзаро мусобақалашиб ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бригаданинг ҳар бир аъзоси кунлик топшириқни ортиғи билан адо этиб «Ташсельмаш» заводи коллективи эришаётган муваффақиятга муносиб ҳисса қўшаётир. Суратда: Қ. Ийлдошев (чапдан) Ю. Адамов, Л. Синицкая ва А. Холиқов ўртоқларни кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотоси.

БАҲОР ЧОРЛАЙДИ

ТОШКЕНТДА ЛЕКТОРИЙ

8 февралда Тошкентда Ўзбекистондаги республика ташкилотларининг раҳбар ходимлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкил қилган лекторий очилди. Лекторий Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган. Лекторий программасига мувофиқ партия ва совет қурилиши, Совет ҳокимияти йилларида республика экономикаси ва маданиятининг ривожланиши, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари юзасидан лекциялар ўқилади.

Биринчи машғулотда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинча миллий сиёсатининг тантанаси» тўғрисида лекция ўқиди.

(ЎзТАГ).

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан якинда эълон қилинган КПСС Марказий Комитети қароридан илҳомланган Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози азаматлари кўклам экишига қизғин тараддуд кўрмоқдалар. Колхоз деҳқонлари ҳозирги қулай келган оби-ҳаво шароитларидан унумли фойдаланиб дала ишларини авж олдириб юбордилар. Шу кунларда хўжалик далаларида бўлсангиз суғориш шаҳобчаларини тартибга солаётган, дала бошларига гўнг ташиб чиқараётган колхозчиларни кўрасиз. Ҳар бир ишни ўз вақти-соатида бажариб қўйишга одатланган колхоз меҳнат аҳли «барвақт ҳаракат—хирмонга барака» халқ нақлига амал қилмоқда.

Колхознинг ремонт устахонаси шу кунларда, айниқса, жуда гавжум. Ремонтчилар уюшқоқлик билан ишлаб мавжуд қишлоқ хўжалик техникасини кўклам экиш кампаниясига шайлашяпти. Якинда ремонтчилар ҳузурида бўлганимизда марказий устахона мудири Норбой Абдувалиев қўйидагиларни айтди:

— Ремонтга барвақт киришдик. Иш аниқ план асосида олиб борилаяпти. Ҳозирги вақтда 78 кишидан иборат ремонтчилар бригадаси қишлоқ хўжалик техникасини созлаш билан машғул. Жаббор Тўрабоев, Шерали Қодиров, Николай Филимонов, Саъдулла Зияев, Ҳайдар Умаров, Гулан Ҳасанов ва бошқа тажрибали механизаторлар айниқса ғайрат кўрсатишяпти. Улар ремонт сифатига алоҳида эътибор қилишяпти.

Ремонтчилар чиндан ҳам самарали ишлашлари туфайли ҳозиргача мавжуд 56 чопиқ тракторидан 52 таси, 22 ҳайдов тракторининг ҳаммаси, 40 сеялка, 15 та мола, 4 та дон сеялкаси, 58 та культиватор ва 6 та чизел сифатли ремонтдан чиқарилди. 60 прицепдан 50 таси тайёр. Хўжаликда қишлоқ хўжалик мавсумининг бошқа даврларида фойдаланиладиган агрегатлар ҳам барвақт ремонт қилиб қўйилмоқда.

Марказий устахонада барча шароит мавжуд. Шу туфайли ҳам ремонт ишлари тез суръатлар билан олиб бориляпти. Чунончи, устахонада токарлик станоги, пармалаш станоги, компрессор мослама, электр қувватини мослаштириб турувчи стенд ва бошқа асбоб-ускуналар талабга тўла жавоб беради. Колхоз правлениеси ремонт ишларида банд бўлган кишилар ҳақида доим ғамхўрлик қилмоқда.

Райондаги илғор хўжаликларнинг бири бўлган бу колхозда ўтган йили қувончли ютуқларга эришилди. Мавжуд 2310 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнер ўрнига 27 центнердан ҳосил олиниб, пландаги 5650 тонна ўрнига 5870 тонналик улкан хирмон бунёд этилди. Хўжаликнинг нарядсиз звенолари, айниқса, катта ютуқларга эришдилар.

Ҳиммати баланд пахтакорлар шонли юбилей йилида умумий ҳосилни 6000 тоннага етказишга аҳд қилдилар. Бундай катта хирмонни бунёд этиш астойдил меҳнатсиз, курашсиз бўлмайди, албатта. Буни яхши тушунган мўл ҳосил ижодкорлари ҳозирдан бошлаб кўклам экишига пухта замин ҳозирламоқдалар.

Юбилей шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилган Охунбобоев номли колхоз механизаторлари ҳам меҳнатда ғайрат-шижоат кўрсатишяпти. Ўтган йили бу хўжалик районда иккинчи бўлиб маррага етиб келган эди. Ватанга «оқ олтин» миришкорлари бултур пландаги 3690 ўрнига 4214 тонна ҳосил топширдилар. Йиллик план 114 процент адо этилди. Хўжалик аъзолари ўтган йили эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш ниятида меҳнат қилишяпти, кўкламга пухта ҳозирланишяпти.

Техника ремонтини барвақт бошлаган ремонтчилар катта муваффақиятни қўлга киритишди. Барча қишлоқ хўжалик машиналари мавсумга тўла шай қилиб қўйилди. Шу кунларда хўжаликда дала ишлари ҳам кенг авж олиб кетган. Ариқ-зовурлар тартибга солинмоқда, дала бошларига маҳаллий ва минерал ўғитлар ташиб чиқарилмоқда.

Райондаги Ленин номли ва Куйбишев номли колхозларда ҳам механизатор кадрлар тайёрловчи бир йиллик ҳамда 6 ойлик курслар ишлаб турибди. Бу курсларда ҳозирги кунда бир йўла 210 нафар йигит-қиз механик-ҳайдовчилик касбига ўқимоқда. Улар кўклам экиши бошланиши билан «пўлат от»лар рулига ўтиришади.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
И. ЮСУПОВ.

УРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан, дўстона визит билан Чехословакия Социалистик Республикасига борган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев 8 февралда Москвага қайтиб келди. КПСС Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Ю. В. Андропов ҳам Ўртоқ Брежнев билан бирга келди.

АНГЛИЯ-СОВЕТ ВИСТАВКАСИ ОЧИЛДИ

ЛОНДОН, 8 февраль. (ТАСС махсус мухбири). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун шу ерда Англия-Совет тарихий музейини очди.

Виктория ва Альберт музейига қўйилган виставка экспонатлари ҳар иккала мамлакат ўртасида бир неча асрлардан бери давом этаётган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни тасвирлайди.

ҲУКУМАТ ҚАБУЛИ

ЛОНДОН, 8 февраль. (ТАСС махсус мухбири). Буюк Британия Бош министри Гарольд Вильсон СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин шарафига бугун қабул маросими ўтказди. Қабул маросими «Ланкастер — хауз»да бўлиб ўтди.

«КОСМОС-141» ПАРВОЗДА

8 февралда СССРда Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-141» учирилди. Йўлдошда 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ этишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ҚАҲР-ҒАЗАБИ

МОСКВА

7 февралда Москва меҳнаткашлари вакилларининг группаси ўз йиғилишларида якдиллик билан қабул қилинган резолюцияларни топшириш учун Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги элчихонасига бордилар. Резолюцияларда Хитой маъмурларининг Пекиндаги СССР элчихонаси, унинг ходимлари ҳамда бошқа совет муассасалари ходимларига нисбатан қилаётган иғвогарликлари, дўқлари ва тўпалонлари қораланади.

Меҳнаткашлар вакилларининг вазмин ва одоб билан қилган муомаласини Хитой элчихонаси ходимлари қўпол сўкиш, Советларга қарши иғвогарлик қичқириқлари билан қутиб олдилар. Бунинг устига ХХР элчихонасининг ходимлари меҳнаткашлар вакилларини вестибюлдан итариб чиқармоқчи бўлиб, жисмоний куч ишлатдилар. Ҳолбуки, улар бу ерга таклиф этилган эдилар. Афтидан, элчихона ходимлари яна бир ҳангома чиқариш ва Хитой дипломатлари калтакланди деган овоза тарқатмоқчи бўлган бўлсалар керак.

Ўша куни ХХР элчихонаси совет қонунлари ва тартибларини бузиб, элчихона биносида баланд овоз билан гапирадиган динамиклар ўрнатди ва улар орқали совет халқи, партия ва ҳукуматимизга қарши душманларча гиж-гижлатувчи чақириқлар эшитилди.

ТАСС мухбирига хабар берилишича, СССР ташқи ишлар министрлиги Хитой элчихонаси ходимларининг бундай ҳатти-ҳаракатларига қатъий норозилик билдирган ва элчихона биносида ўрнатилган радиодинамиклар орқали Совет Иттифоқига душманлик руҳидаги эшиттиришлар тўхтатилишини талаб этган. СССР Ташқи ишлар министрлиги ХХРнинг Москвадаги элчихонасининг барча ходимлари совет меҳнаткашлари билан учрашганликларида зарур одоб ва ҳурмат билан муомала қилишларини талаб қилади.

ТОШКЕНТ

Хитойда совет гражданларига нисбатан уюштирилаётган иғвогарликлар Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларини қаттиқ ғазаблантирди. Шаҳардаги саноат корхоналарида, муассаса ва ўқув юртларида кўп кишининг иштироки билан ўтказилаётган митингларда коллективлар туҳматчиларга ва безорилларга муносиб жавоб бермоқдалар.

«Подъемник» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари иккинчи механика цехига тўпланишди. Митингни партбюро секретари Ф. Ф. Костин очди. Ф. Ф. Костин Хитой Халқ Республикасида сўнгги вақтларда бўлаётган воқеалар тўғрисида митинг қатнашчиларига ахборот берди. Шундан кейин биринчи механика цехининг бошлиги Б. А. Хуршудов сўз олди. У, Хитой гражданларининг айрим гуруҳларини СССРнинг расмий дипломатик вакилларига ва бошқа совет муассасаларининг ходимларига қарши безорилик қилишга ундаётган Хитой раҳбарларининг жиноий ҳаракатлари тўғрисида ғазабланиб гапирди.

Митингда термист В. Сухнин ва завод насаба союз комитетининг раиси А. Г. Галактионова Совет ҳукуматининг кейинги вақтларда Хитойда бўлаётган воқеалар ҳақидаги баёнотини тамомила маъқуллаганликларини айтдилар.

«Ташкенткабель» заводи коллективида ўтказилган митингда ҳам ишчиларнинг сўзлаган нутқлари қаҳр-ғазаб туйғулари билан тўла эди.

Тошкентдаги халқ хўжалиги институтининг мажлислар залида ўтказилган норозилик митингида саккиз юздан ортиқ студент ва ўқитувчи қатнашди. Митингда сўзга чиққан профессор, юридик фанлари доктори К. Д. Тюрин Хитой раҳбарларининг хуружлари, уларнинг СССРга, СССР ҳукуматига ва совет гражданларига қилаётган таҳдидлари халқаро ҳуқуқ нормаларини мисли кўрилмаган даражада сурбетларча бузишдан бошқа бир нарса эмас, деб таъкидлади.

Студентлардан Д. Самандарова ва Р. Усмонов, олимлардан Т. Садуллаев, Н. Жабборов ва митингда қатнашган бошқа кишилар ўз нутқларида Хитой Халқ Республикасидаги совет вакилларига нисбатан қилинаётган бебошлик тўхтатилсин, безорилар қаттиқ жазолансин, деб талаб қилдилар.

Меҳнаткашларнинг коллективлари қабул қилинган резолюцияларни Хитойнинг Москвадаги элчихонасига юборишга қарор бердилар.

НАВОИЙШУНОСЛАРНИНГ ИЛМИЙ СЕССИЯСИ

9 февралда Тошкентда Алишер Навоийнинг ижодий меросини ўрганишга бағишланган традицион илмий сессия очилди. Сессияни Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси ва А. Навоийнинг меросини ўрганиш доимий комитети уюштирди. Ўз комитетнинг раиси, республика Фанлар Академиясининг академиги В. И. Зоҳидов сессияни очиб, жамоатчилик улуғ шоир ва мутафаккир туғилган кунининг 525 йиллигини нишондашга қандай тайёрланаётганлиги ҳақида сўзлаб берди. В. И. Зоҳидов республикамиз олимлари делегациясининг Афғонистонга қилган сафари ва Алишер Навоийнинг Ҳиротдаги қабрини зиёрат қилганлиги ҳақида ҳам ахборот берди.

Биринчи мажлисда филология фанлари доктори Ҳ. Ёқубов Навоий ва ўзбек совет адабиёти тўғрисида, Озарбайжон ССР Фанлар Академиясининг корреспондент аъзоси, профессор Ҳ. Орасли Навоий асарларининг дастлабки таржималари ҳақида, филология фанлари доктори Ҳ. С. Сулаймонов Алишер Навоийнинг «Фусули арбаа» қасидаси ва XVI аср бошида кўчирилган муъатабар нусхаси ҳақида, филология фанлари кандидати Р. Мажидий Навоий ва Хоразм адабий муҳити тўғрисида доклад қилдилар.

Сессияда Тошкент, Боку, Душанба, Самарқанд, Андижон ва бошқа шаҳарларнинг олимлари қатнашмоқдалар. (ЎзТАГ).

БИЛДИРИШ

Тошкент область ижроия комитети область Совети депутатларига маълум қиладики, шу йил 20 февраль эрталаб соат 11 да Октябрь район партия комитетининг мажлислар залида (Навоий кўчаси, 11 уй) меҳнаткашлар депутатлари область Советининг X чақириқ X сессияси бўлади.

Область Совети ижроия комитети сессия кун тартибига қўйидаги масалани қўяди:

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг 1965—1966 йиллар учун ҳисоботи.

Докладчи-область ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхов.

Депутатлар шу куни эрталаб соат 10 дан бошлаб Октябрь район партия комитетининг мажлислар залида рўйхатга олинадилар.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ЗАРБДОР ФРОНТ

Тошкентда рўй берган зилзила туфайли бинокорларимизнинг иши жуда қўпайиб кетди. Зилзила бўлган кундан бошлаб партия ҳамда ҳукуматимиз моддий ва маънавий ёрдам уюштирди. Темирйўл станциялари қардош республикалар юборган қурилиш материалларига тўлиб кетди. Тошкентга бутун мамлакат ёрдамга отланди. Руслар билан украинлар, қозоқлар билан қирғизлар, белоруслар билан молдаванлар—барча миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб, тошкентлик биродарларига кўмаклашмоқдалар. Тошкент ленинча интернационал дўстлик тимсоли бўлиб қолди.

Зилзиладан кейин ўтган давр ичида «Главташкентстрой» қурувчилари ва қардошларимиз кўмагида бажарилган ишларга назар ташлар эканмиз, қисқа вақт ичида аҳл бовар қилмайдиган даражада қувонарли якунларнинг шоҳиди бўламиз. Бош бошқармамиз бинокорлари ҳамда пудратчи ташкилотлар ўтган йил мобайнида қарийб 160 миллион сўмлик иш бажардилар. 420 минг квадрат метр турар-жой, 13 мингдан ортиқ ўқувчи учун мўлжалланган мактаб биноларини, кўплаб болалар муассасалари қуриб фойдаланишга топширилди. Янги уйлар қуриш билан бирга бинокорларимиз зилзиладан шикастланган турар-жой ва маданий-маиший муассасаларни ремонт қилиш, қайта тиклаш ишларини ҳам олиб бордилар. Ўтган давр мобайнида 24 минг квартира, кўплаб мактаб, касалхона, болалар боғчаси ва яслилари ҳамда бошқа талайгина объектлар тикланди ва ремонтдан чиқарилди.

Бу қадар катта ишларга бошқармамизнинг 35 мингга яқин коммунистлари бош-қош бўлдилар. Улар 70 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари атрофига маҳкам жипслашган ҳолда ишда ҳам, турмушда ҳам барчага ўрнак кўрсатдилар. Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқаришни яхши ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини ошириб, қурилиш таннархини арзонлаштириш ташаббускорлари бўлдилар. Коммунистик меҳнат учун бошланган социалистик мусобақада олдинги сафларда бордилар.

Бизда омманинг етакчиси бўлишдек шарафли вазифани сидқидилдан бажараётган бошланғич партия ташкилотлари жуда кўп. 1-«Строймеханизация» трести партия ташкилоти ана шулардан биридир. Ўртоқ А. Поздняков секретарлик қилаётган партия комитети ишлаб чиқариш билан кун сайин шуғулланади. Партком йиғилишида ва бошқармалар партия ташкилотларининг мажлисларида ишлаб чиқаришнинг туб масалалари, бинокорларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг моддий ва маданий шароитини яхшилаш масалалари тез-тез муҳокама қилиб турилади. Трест партия комитети социалистик мусобақани ташкил этишга жиддий эътибор беради. Коммунистик меҳнат учун бошланган ҳаракатда 400 га яқин кишининг иштирок этиши фикримизнинг далилидир. Мазкур трест коммунистлари олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ишлар меҳнат кўрсаткичларида ўз аксини топмоқда. Трест коллективи йиллик планни муддатидан илгари бажарди.

«Ўзэлектромонтаж» трестига қарашли 1- монтаж бошқармаси (партия бюросининг секретари Ўртоқ Козлов), 153-трестнинг 1- қурилиш бошқармаси (партия бюросининг секретари Ўртоқ Завозов), 1- уйсозлик комбинатининг пардозлаш бошқармаси (партия бюросининг секретари Ўртоқ Сатуров) ва бошқа қатор партия ташкилотлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни сидқидилдан адо этмоқдалар. 2-«Строймеханизация», 3-қурилиш трестлари, 1-«Стальмонтаж» қурилиш бошқармаси, 1-«Электромонтаж» ҳамда «Промвентиляция» монтажлаш бошқармалари партия ташкилотлари яхши ишламоқдалар. Партиявий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган жойларда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам қувончли бўлаётир. Юқоридаги трест ва бошқармалар 1966 йил планларини муддатидан илгари адо этиб, беш йиллукнинг иккинчи йилида ҳам баракали ишламоқдалар.

Очиқ эътироф этиш керакки, Бош бошқармамиз партия комитетининг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига қилаётган раҳбарлиги ҳозирги кун талаби даражасида деб бўлмайди. Баъзи трест, бошқарма раҳбарлари ўзларига топширилган масъулиятни тўла ҳис қилмаганликлари, мазкур бошланғич партия ташкилотларининг ишлаб чиқариш билан яхши шуғулланмаганликлари, контролни бўшаштириб юборганликлари натижасида ўтган йили қарийб минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, 1 минг 680 ўринли болалар муассасалари фойдаланишга топширилмай қолди. Бош бошқармага қарашли 4- қурилиш трести (бошқарувчиси Кириенко, партия комитетининг секретари Ҳакимов Ўртоқлар) ишлаб чиқариш топшириқларини уддалайолмаяпти. Биргина ана шу трест 8 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой, 900 ўринли мактаб биносини қуриб битказа олмади. Трестга қарашли беш қурилиш бошқармасидан фақат биттаси бош пудрат ишларини бажарди холос, 153-қурилиш трести ҳам нуқсонлардан ҳоли эмас.

Булар нимани кўрсатади? Аввало, мазкур трест ва бошқармалар раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ўзларига топширилган ишлар учун масъулият ҳиссини йўқотиб қўйганлар. Бу партия ташкилотларининг коммунистлари ишлаб чиқаришга раҳбарлик масалалари билан жуда бўш шуғулланмоқдалар.

«Главташкентстрой» партия комитети Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг V ва VI пленумлари қарорлари асосида янги режаларни белгилаб олди. Трестлар, бошқармалар партия комитетлари ягона мақсад сари қадам ташламоқда. Ишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қодирмиз.

Беш йилликнинг иккинчи йилида Бош бошқармамиз бинокорлари ва пудратчи ташкилотлар, бажаришн лозим бўлган ишлар белгилаб олинди. Бу йил 240 миллион сўмлик иш бажаришимиз лозим. Бу эса, 1966 йилдагидан деярли 1,5 баравар ортиқдир. Шу йилда 520 минг квадрат метр турар-жой, 10 минг 50 ўринга мўлжалланган болалар муассасалари, 28 минг ўринга эга бўлган мактаб, 300 ўринли кўптармоқли касалхона, 290 ўринли онкологик диспансер, иккита туғруқхона, 2190 кишига хизмат қиладиган поликлиника ва бошқа кўплаб объектларни қуриб битказиш керак.

Бу улкан ишларни бажариш Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш шиори остида ўтади. Юбилейгача Ленин номли майдон батамом реконструкциядан чиқади. Шу кунларда катта юбилей шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Донгдор бинокор комплекс бригада бошлиғи Холмат Ҳакимовнинг юбилей шарафига социалистик мусобақани авж олдириш юзасидан қилган мурожаати бошқа бригадаларда ва коллективларда қўллаб-қувватланмоқда. Бу социалистик мусобақага тобора кўпроқ бригада ва коллективлар қўшилмоқда. Мусобақа голиби бўлган коллективлар Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги номига сазовор бўлади.

Шонли комсомолларимиз ишни икки-уч сменада олиб бормоқдалар. Комсомол-ёшлар бригадалари ҳам юбилей шарафига ўзаро социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги ва моддий ёрдамлари Тошкент бинокорларини фидокорона меҳнат сари чорламоқда. 1967 йилда олдимизга қўйилган янги режаларнинг муваффақиятли адо этилишини таъминлаймиз. «Главташкентстрой» коммунистлари бу соҳада авангардлик ролини ўйнайдилар.

Н. ЗОКИРОВ,
«Главташкентстрой» партия комитети секретарининг ўринбосари.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ҚИШЛОҚ АРХИТЕКТОРЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида бу ўқув йилида архитектура бўлими очилган эди. Студентлар бу ерда дастлабки имтиҳон сессиясига келдилар. Архитектура бўлимида ўқиётган 30 йигит ва қиз келгусида қишлоқ меъморлари бўлиб етишадилар.

Ўрта Осиёда қишлоқ учун архитекторлар биринчи марта тайёрланмоқда. (ЎзТАГ).

ПАЙЧИЛАР МАБЛАҒИГА

Тошкентлик уч юз оила уйжой қурилиш кооперативларининг пайчилари юбилей йилида ҳовли тўйларини ўтказдилар.

Республика пойтахтида ҳозир ана шундай 14 та кооперативда 5 мингдан ортиқ пайчи бор. Кооперативлар ташкил бўлгандан бери ўтган 4 йил ичида пайчилар маблағига ва банклар берган қарз ёрдамида қурилган уйларга уч минга яқин оила кўчиб кирди.

1967 йилда кооператив маблағига анчагина уйлар қурилади. Таҳминан 2 минг квартира фойдаланишга топширилади. Уйлар асосан янги уй-жой массивларида қурилмоқда.

Шаҳар советининг ижроия комитети ҳузурида шартномасмета группаси ташкил қилинган. Бу группа пайчиларга ёрдам кўрсатмоқда.

ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЛАКА

РЕСПУБЛИКАМИЗ саноат ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида илмий-техника прогресси тез суръатлар билан ривожланиб бораяпти. Бу эса ўз навбатида ишчи кадрларни тайёрлаш ва уларни ихтисослаштириш борасида ғоят муҳим вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда.

Ҳозирги вақтда саноатнинг барча соҳалари ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш асосида техникавий жиҳатдан қайта қуроллантирилаяпти. Табиийки, мазкур ўзгариш ишчилар маданий-техникавий савиясининг янада оширишни, уларни кенг ихтисослаштиришни талаб қилади.

Бинобарин, тор даражада ихтисосга эга бўлган ишчилар ўрнини кенг профилли, юксак малакали ишчилар, бутун бир операциялар йиғиндисини биладиган, умумий ва махсус билимларга эга бўлган, кенг ишлаб чиқариш профилли ишчилар эгаллаши лозим.

Худди шу жиҳатдан қараганда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноати муҳим соҳада жиддий камчиликлар мавжуд. Ана шундай саноат корхоналарида юқори малакадаги ишчилар қандай тайёрланаяпти? Масалан, автоматик линияларни созловчи ишчилар меҳнатини кўздан кечирайлик. Улар фрезерлик, токарлик, силлиқлаш, йиғиш ва ҳоказо операцияларни бажарадилар. Фақат муайян даражада ихтисослашган станокнигина биладиган ишчи комплекс механизациялашган ва автоматлашган ишлаб чиқариш талабларига жавоб бермайди, албатта. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, созловчиларни тайёрлаш учун универсал асбоб-ускуналарни биладиган ишчиларни аввалдан танлаб олиш лозим. Агар ишчи механизациялашган линиянинг бутун асбоб-ускуналарини ва технологияни яхши эгаллаган бўлса, у линия автоматлаштирилганида бошқарувчи қурилмаларни осонгина ўрганиб, уни малакали бошқара олади.

Ҳолбуки, бу масалага қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида, жумладан «Ташсельмаш» заводида етарли эътибор берилмаяпти. Уларда ишчилар тор даражада ихтисослашиб қолган. Улар автомат ва автомат линияларда фақат айрим-айрим операцияларни амалга оширишнигина биладилар, лекин станокларни созлаш ва ҳатто оддий ремонт қилишнинг уддасидан чиқа олмайдилар. Бундай тор ихтисослаштириш меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштиришга жуда катта талаблар қўйилаётган ҳозирги даражага мувофиқ келмаётир. Бундай аҳвол шунга олиб келмоқдаки, меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларидан тўла фойдаланилмаётир, ишчилар ва асбоб-ускуналар ҳамда машиналар айрим вақтларда арзимаган сабаблар билан анча вақт тўхтаб қолаётир.

Бу масалани ҳал қилиш учун аввало шунга эришиш лозимки, ҳар бир ишчи техникани ва ишлаб чиқариш технологиясини чуқур ўзлаштириб олсин. Негаки, автомат асбоб-ускуналарнинг иши механика, электротехника, пневматика ва гидравлика сингари соҳалар билан боғланган бўлиб созловчи ишчилар бу фанлар асосларини ўрганишлари ва пухта билишлари зарур. Аммо кўпгина корхоналарда янги техникани ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган тайёргарлик одатда техминимум программаси билан чекланади ва унинг доирасидан чиқмайди. Бундай йўл билан қисқа муддатларда автомат техника бўйича малакали ишчи тайёрлаш мумкин эмас, албатта. Бинобарин, автоматлаштириш жорий қилинаётган ва қўлланилиши мўлжалланаётган корхоналарда ишчилар тайёрлаш программасини кенгайтирмоқ лозим.

Республикамиз саноатида меҳнат унумдорлигини янада оширишнинг муҳим манбаларидан бири — ёрдамчи ишлар салмоғини камайтириш, умумий ёрдамчи ишларни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни, айниқса машинасозлик ва металл ишлаш корхоналарида, такомиллаштиришдан иборатдир.

Машинасозлик корхоналарида ёрдамчи ишчилар кўпчиликни ташкил қилади. Умуман, республикамизнинг шундай корхоналаридаги ишчилар умумий сонининг 54 проценти улардан иборат. Улар ёрдами билан амалга оширилаётган ишларнинг деярли барчаси механизациялаштирилмаган.

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

Масалан, хомашё, тайёр маҳсулот, материаллар ва ҳоказоларни ортиш, тушириш ҳамда тахлаш ишлари жуда кам механизациялашган. Одатда, кўпгина корхоналарда бу иш примитив асбоб-ускуналар ёрдамида, ҳеч қандай ихтисосга эга бўлмаган ёки кам ихтисослашган ишчиларнинг қўл кучи билан бажарилади.

Республикамиз машинасозлигида ёрдамчи ишчилар салмоғининг юқори бўлишига сабаб шундаки, ёрдамчи жараёнлар сочиб юборилган бўлиб, улар ихтисослаштирилмаган. Асосий буюмларни ишлаб чиқариш марказлашаётган бир вақтда транспорт-жойлаштирувчи механизм ва асбоблар, хилма-хил қурилмалар, шунингдек асбоб-ускуналар ремонти учун зарур деталлар ва узелларни тайёрлаш мавжуд корхоналар бўйича сочиб юборилган. Одатда, ёрдамчи воситаларга бўлган катта эҳтиёж машинасозлик заводларининг асбобсозлик цехлари билан якка тартибда қондирилаяпти, бу эса катта меҳнат ресурслари, ускуна ва материалларни сарфлашга олиб келаяпти.

Масалан, металл қирқувчи асбоб-ускуналар ремонти ва уларни модернизация қилиш, 17 та ремонт-механика цехларида амалга оширилади. Бунда барча ишларнинг атиги 30 проценти машиналар ёрдамида, қолгани эса қўлда бажарилади.

Машинасозлик заводларида асбобсозлик ишлаб чиқаришнинг катта салмоқни эгаллашига боис яна шундаки, ихтисослашган асбобсозлик саноати хилма-хил асбоблар ва жиҳозларга бўлган талабни жуда оз миқдорда қондираяпти. Айрим корхоналар бўйича асбоблар ҳиссаси умумий эҳтиёжнинг 40—70 процентини ташкил қилаяпти.

Ҳозирги вақтда ёрдамчи жараёнларнинг бундай қолоқлигини йўқотиш заруратн туғилаяпти. Бу ишни янги техника асосида, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг энг самарали формаларидан фойдаланилган ҳолда тубдан қайта қуриш керак. **Корхоналарда хомашё ва материалларни ортиш-тушириш жараёнларини янги техника билан жиҳозлаш, асбоб-ускуналарни ремонт қилиш ва модернизациялаш ҳамда жиҳозлашнимконини берадиган ихтисослашган корхона ва цехлар ташкил этмоқ лозим.**

Республикамиз саноатида ёрдамчи ишчилар салмоғини камайтиришнинг муҳим воситаси — поток механизация линияларини кенг жорий қилишдан иборатдир. Бу соҳада ҳатто энг йирик қишлоқ хўжалик машинасозлик корхоналаримизда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Уларда эркин иш маромига эга бўлган узлуксиз ишламайдиган поток линиялар сингари кам самара берувчи поток линия жорий қилинган. Улар шу корхоналарда ҳаракатдаги мавжуд поток линиялари умумий сонининг 80 процентидан ортиқроғини ташкил қилаяпти. Бу поток линияларда иш қуролларини бир операциядан бошқа операцияга узатиш қўл ёрдамида бажарилмоқда.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, поток ишлаб чиқаришнинг самарали формаларини жорий қилиш ёрдамчи ишчилар салмоғини камайтиришга олиб борадиган йўлдир. Механизациялашган поток ишлаб чиқаришида ёрдамчи ишчилар кўп талаб қилинмайди, ёрдамчи ишлар эса механизациялашган бўлади, юк тушириш-ортиш ва транспорт ишлари механизация ёрдамида бажарилади.

Ҳолбуки, юқоридаги корхоналардан бири — «Ташсельмаш», заводида механик қайта ишлаш бўйича асосий цехларда ҳар бир ишчига иккита ёрдамчи ишчи тўғри келаяпти. **Механизациялашган поток линияларда эса олтита асосий ишчи учун атиги битта ёрдамчи ишчи етарлидир.**

Меҳнатни ташкил қилишнинг бутун бир комплексини такомиллаштириш масалалари, ишчи кадрларни ихтисослаш масаласи республикамиздаги барча саноат корхоналарининг диққат марказида туриши лозим.

Т. АБДУШУКУРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг старший илмий ходими, фалсафа фанлари кандидати.

А. ТУРАЕВ,
институт илмий ходими.

Муборак газ конидан тинимсиз оқиб турган «зангори олов» дарёси яқинда Ўрта Осиёнинг ягона газ магистралига келиб қўшилди. Бу ерда Совет давлатининг 50 йиллиги номидаги дастлабки газ тўплаш пункти ишга туширилди. Ундан ортиқ скважина бир сутка давомида 5 миллион кубометрга яқин ёқилги етказиб беришга қодир.

Ҳозирги вақтда Қорантой, Жанубий ва Шимолий Муборак, Одамтош, Помук ва бошқа нефть ва газ конлари фойдаланишга тайёрлаб қўйилди. Бу конларда 100 миллиард кубометрдан ортиқ газ запаслари борлиги аниқланди.

Шу беш йилликда Қашқадарёдаги газ конлари Ўрта Осиё ва мамлакатнинг марказий районларига «зангори ёқилғи» етказиб беради. 1970 йилга бориб 6 миллиард кубометр газ халқимиз хизматига қўйилади.

Суратларда: юқорида: «Каршинефтегазразведка» трестининг мастери Г. Ф. Инжуватов. У йигирма йилдан бери шу соҳада ишлаб, 100 минг метрдан ортиқ парма қазиди. Яқинда у «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди. Пастда: Муборак газ конининг вишкалари.

А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ИНСТИТУТДАН ГАПИРАМИЗ

Студент Женя Житников бугун институт радиостанциясида навбатчилик қилиши керак эди. Машғулотлар тугагач, у радиостанция томон йўл олди.

— Жуда вақтида келдинг-да, Женя, — деди инженер В. Болотин. — Ҳозир Варшава билан алоқа боғланади. Ҳа, айтгандай, мана бу ахборотларни олиб қўй...

Радист-оператор ахборотлар ёзилган дафтарча варақларига кўз югуртирди. Унда бугун радиостанция қабул қилган алоқалар бирма-бир ёзиб қўйилганди.

— Ўҳ-ў, Германия Демократик Республикаси билан ҳам гаплашилдими? — радист-оператор Ж. Житников қувониб кетди.

— Институт станцияси билан бундан кейин мунтазам радио алоқаси боғлаб туришадиган бўлишди, — жавоб қилди инженер. — Навбатдаги алоқада институтимиз янгиликларини уларга хабар қиладиган бўлдик. Энди буёғига тайёргарлик кўриш керак.

Шу пайт позивной эшитилиб қолди. Навбатчи дарҳол аппаратни ишга солди.

— Мен — «Ук-8-КТ». Яхши эшитяпман, — радист-оператор дона-дона қилиб гапирарди, — Радиотелеграммани олдик деяпсизми! Жуда соз. Жавобни ёзиб олишга тайёрман!..

Ўша куни институт радиостанцияси Польша, Франция билан ҳам боғланди. Бундан уч-тўрт кун бурун радио орқали берилган телеграммаларга қайтарилган жавоблар ёзиб олинди.

Ҳозир институт радиостанцияси жаҳондаги кўпгина шаҳарлар билан мунтазам алоқа боғлаган. Буни бу ерда сақланаётган карточкалардан ҳам билиб олиш мумкин. Уларнинг саноғи йўқ. Радио ахборотларда дўстлик ва биродарлик туйғулари баён этилган.

Мана, бир ярим йилдирки, Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институтида радиостанция ишлаб турибди. Радиостанция ташкил топгач, бу ерда радио операторлар тўғараги машғулотлари ҳам бошлаб юборилди. Унга студент С. Евдокимов раҳбарлик қилмоқда. Институтнинг турли факультетларидан 30 га яқин студент тўғарак машғулотларига актив қатнашиб келяпти.

Тўғарак ўқув программасига эга. Уни тузишда республика ДОСААФ комитети яқиндан бош қўшди. Комитет аъзоси В. Болотин эса, радиостанцияни оталиққа олди. Тўғарак машғулотларида ҳам, радио алоқа сеансларини ўтказишда ҳам студент радист-операторлар унинг амалий ёрдамидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Республика ДОСААФ комитети яна бир ибратли ишга қўл урди. Машғулотларга актив қатнашиб, программани тўла ўзлаштирган студентларга радист-оператор деган диплом ҳам бериладиган бўлди.

— Ўтган давр мобайнида кўпгина студент радист-операторлик касбини пухта эгаллаб олди, — дейди В. Болотин. — Ҳозирда ҳаҳ студентлар ўртасида бу касбни эгаллашга қизиқиш катта. Институт маъмурияти радиостанция фаолиятини тағин ҳам яхшилаш мақсадида ҳамма қулайликларни яратиб берди. Механика факультетида катта аудитория ҳам бўлажак радио-операторлар ихтиёрида. Бу ер келгусида радиосинфга айланиб қолади.

Ҳа, институт радиостанциясининг истиқболи катта. Ҳали бу ерда яна кўплаб студент радист-оператор ихтисослигини эгаллайди.

А. АЛИЕВ.

САЙЛОВЛАР АРАФАСИДА

Областимизнинг барча меҳнаткашлари қатори Оржоникидзе райони аҳолиси ҳам 12 март — Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловлар кунини ҳар томонлама уюшқоқлик билан кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

Ҳозир районнинг посёлка ва қишлоқ Советлари ҳузурида 72 та агитпункт ташкил этилди. Бу агитпунктларга биркитилган 1900 дан ортиқ агитатор сайловчилар ўртасида Совет сайлов системасининг моҳияти ва унинг афзалликлари ҳақида қизиқарли суҳбатлар олиб боришмоқда. Сайлов ўтказувчи агитпунктлар эса, аҳолининг талабига жавоб бераркн даражада жиҳозлаб қўйилган. У ерда сайловчиларнинг маданий дам олишлари учун қулай шароит яратиб берилган. Газета-журналларнинг янги сонлари, шаҳмат-шашка, бадиий асарлар, сайловга доир брошюралар бор бу ерда.

Сайлов кампаниясига уюшқоқлик билан тайёргарлик кўриш ишига район партия комитети агитация-пропаганда бўлимининг мудири ўртоқ С. Рустамов, инструкторлардан Ш. Аҳмедов, И. Йўлдошев, Н. Муртазина ўртоқлар бош-қош бўлиб, активлик кўрсатишмоқда. Улар район колхоз ва совхозларида тез-тез бўлиб, агитпункт мудирлари билан суҳбатлар ўтказишмоқда, уларга фойдали маслаҳатлар беришмоқда. Ҳозир райондаги барча сайловчиларнинг рўйхатлари тўла-тўкис олиб бўлинди. Агитаторлар бирон сайловчининг ҳам рўйхатдан тушиб қолмаслигига эътибор бериб, биринчи марта овоз берувчи йигит ва қизлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Шунингдек, район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари ҳам сайлов кунига муносиб тайёргарлик кўришмоқда. Улар сайлов олди ва сайлов кунида меҳнаткашларга ўз санъатларини намойиш қилиш мақсадида махсус концерт программасини тузиб чиқдилар.

Айниқса райондаги Киров номли, «Правда», «Қизил Ўзбекистон» колхозлари ҳамда «Қибрай», «Правда газетасининг 50 йиллиги» совхозларида сайловга тайёргарлик намунали олиб борилмоқда.

Т. ИСЛОМБОЕВА.

РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДАН

ЯНГИ ЛЕКТОРИЙ

Шаҳар партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ҳамда «Билим» жамияти бўлими Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги ва доҳимиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан янги лекторий ташкил этди. Шаҳар маданият ўйида ишлай бошлаган бу лекторийда шонли юбилейга бағишланган қатор лекциялар бўлади.

Лекторийнинг биринчи машғулоти бўлди. Унда шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ З. Эрназаров «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тарихий аҳамияти» тўғрисида лекция ўқиди.

Лекторий тингловчилари навбатдаги машғулотларда «Коммунизм қурилиши — Октябрь революциясининг улуғ мақсади», «Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши», «Владимир Ильич Ленин — Октябрь доҳийси» сингари қатор лекцияларни тинглашади.

«Янгийўл» (Янгийўл).

РАҲМАТ, СИЗЛАРГА!

Врач! Нақадар ниқ ва самимий сўз. Инсон саломатлиги йўлида ўз касбини улуғлаб, камтаринлик билан беморлар қалбига йўл топувчи зот.

...Декабрь ойнинг ўн учинчи куни эди. Бир ярим яшар ўғлим Алиёр иситмалаб қолди. Вақт ўтган сайин ҳарорати кўтарилиб, аҳволи оғирлашиб борарди. Ўйланиб турмасдан тўғри бемор ўғлимни марказий юқумли касалликлар касалхонасига олиб келдик. Навбатчи ҳамшира Т. А. Кравченко дастлабки медицина ёрдамини кўрсатиб бўлгач, ўғлингиз соғайиб кетади, ҳеч ташвиш тортманг, деди менга қараб. Аммо Алиёр ҳали алаҳсирар, энтикиб-энтикиб нафас оларди. Ниҳоят район касалхонасидан хирург Шавкат Қосимов ва врач Р. Шерфиддиновалар ёрдамга келишди. Бир неча дақиқа жимликдан сўнг касаллик аниқланди. Алиёрнинг ўпкаси қаттиқ шамоллаган экан.

...Орадан бир неча кунлар ўтгач, касалхона врачи ва ҳамшираларнинг ёрдами билан Алиёр соғайиб кетди. Ҳозир у ўзини жуда ҳам яхши ҳис қилмоқда.

Бу ўринда биз ўғлимизнинг соғайиб кетишида касбини, инсонни улуғлаб хизмат қилаётган врач Марьям опа Исломова, бош ҳамшира Тўхта опа Иззатуллаева ва ҳамшира Т. А. Кравченко номини зўр ифтиҳор ва ҳурмат билан тилга оламиз. Инсон саломатлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган, медицина ходими деган юксак номни ардоқлаб элга холис хизмат кўрсатаётганларга яна бир бор раҳмат айтиб, келгуси ишларига муваффақият тилаймиз.

Бахтиёр АЛҲАРОВ.
Солдатское қишлоғи.
«Мўл ҳосил учун» (Оққўрғон).

ТУНДАГИ ВОҚЕА

Кечаси соат 12 лардан ошиб қолган эди. Ҳаммаёқ жим-жит. Келес томондан гизиллаб келаётган машина Кўнтерак қишлоғига яқинлашганда бирдан таққа тўхтади. Шундоқгина йўлнинг чеккасидаги теракнинг тагида биров биқинини ушлаб ингранди. Шофер кабинадан тушиб тўппа-тўғри ҳалиги кишининг яқинига борди. Уни суяб тургизди-да, аста кўтариб кабинага ётқизди. Кейин бир пасда Охунбобоев номли колхоз территориясида жойлашган Киров шифохонасига етказиб келди...

— Йигит, беморнинг кими бўласиз? — деди ичкаридан чиққан оқ халатли аёл. — Кўричак экан, бироз кечикса, кўнгилсиз воқеа юз бериши мумкин эди. Вақтида етказиб келибсиз.

Ярим тунда бетоб бўлиб қолган одам Келес посёлкасида истиқомат қилувчи Аҳмад Ғаниев эди. Уни шифохонага олиб борган киши эса Келес 1-автобазасининг шофёри Ўринбой Муҳаммаджонов. Ў. Муҳаммаджонов А. Ғаниевни танимасди, лекин у ўз инсоний бурчини бажарди.

«Ленинчи» (Калинин).

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

ЛОЧИН

Киши ўз ҳаётида бахтсизликларга к... берган ...ўд кунларни кўпроқ ... Шариф Тешабоев ҳам ...ларини кўз олдига келт... ...лайди. ...ҳаёти ниҳоят мазмунли ...ўтаётганидан мамнун бўлади... ...мадан ҳам у, Улуғ Октябрь соц...тик революциясининг эллик йи... ...арафасида ўзининг ҳам ярим ...лик — тенгқурлик тўйи кўши... ...нишонланаётганидан ҳурсанд. ...боисдан бўлса керак, кейинги кун...ларда ишга кетишда ҳам, ишдан қай...тишда ҳам ўзига-ўзи савол беради у: Октябрь ярим аср ичида мисли кўрилмаган ғалабаларни қўлга ки...ритди. Бу ҳақ. Хўш, Шариф шу ўтган йилларда элга сенинг қандай нафинг тегди?

Учувчи ҳамкасбларидан Ғофур Ориповнинг дўстлар даврасида «Шариф ҳам ўзбек учувчилари оиласидаги биринчи қалдирғочлардан...» деган таърифи шу аснода, қайта-қайта такрорлангандай бўлади, унинг қу...доқлари тагида. Шунда, бирдан чеҳ...расига табассум қўнади, «меҳнат дафтарчаси»даги иш фаолияти кўз олдидан бирма-бир ўтади...

1932 йили техникумни битириб чиқди у. Биринчи радистлар — ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик ёшларидан етишиб чиққан ёш техниклар билан эл-юрт фахрланар эди. Шарифни Тошкентдаги марказий радио станциясига навбатчи радио-техниклиққа қабул қилишди. Лекин у, ўз соҳасида ишлашга, радистлик, касбини камол этдиришга ҳавасманд эди. Бу касбни эса эйрак, уқувли ва шу касбга меҳр қўйган кишигина уддалайди. Тешабоев техникумда ўқиш йилларидёқ бу ишни маромига етказган. Шунинг учун ҳам, кейинчалик, у фақат радистлик билан шуғулланади. Лекин, ёшлик эмасми, ҳавас, қизиқиш, интилиш тез орада уни қаноатлантиради: ўша йили у ҳам кўп ёшлар қатори учишга орзуманд бўлиб қолади. Осмонда самолёт кўриндими, то кўздан ғойиб бўлмагунча, ҳаяжон билан тикилади... Мана шу ҳавас парвозга етаклайди уни.

1935 йил — кўкка парвозлар йили. Дастлаб, граждан ҳаво флотида аэрофотосъёмкада, кейин, сал фурсат ўтмай, Ўзбекистон территориал бошқармасига қарашли авиобўлинмада борт-радист бўлиб ишлайди. Орзуси ушалган йигит ўз вазифасини ado этиш билангина кифояланиб қолмайди. У, бўш вақтларидан фойдаланиб, учувчи дўстлари кўмагида самолётнинг муҳим қисм ва деталларини ўрганди, касбини такомил этдиришга интилди, авиацияга доир илмий ва назарий адабиётларни қизиқиб ўқиди. Ўз қобилияти билан учувчилар оиласида обрў қозонди. Ўша йиллари газеталар ўз саҳифаларида берилган материалларда унинг ҳам таърифини келтириб, номини «биринчи қалдирғочлар» қаторига кўшди...

Янги-янги самолётларнинг пайдо бўлиши ҳар бир учувчидан малакасини яна ҳам оширишни, ўқишни талаб этар эди. Мана шу ният билан 1939—40 йиллар ўртасида Москвадаги учувчилар малакасини ошириш мактабида ўқиди.

Ўқишни тугатиб қайтгач, яна ўша ишимада ўз вазифасини ado этишкиришди: Москвага, Кавказ-Фарғонага, Олмаотага, Нукусга... Бу парвозлардан у ҳушнуд ...ойишта ва мусаффо осмонда ...г завқи ҳақида ўз дўстлачилар...ониб ҳикоя қилар, учувчилиг...бини ҳурмат қилиш, учувчилик...эса, ёвратини ошириш ҳақида эди. У, ...вчиларга маслаҳат берар монимиз эди. Тинч ва пониза ос... Бироқ!.. ...ини парвоз қилар эди.

Тўсатдан ...чилар юрагланган уруш учув... Урушнинг д... ҳам ғулув солди. ...ватанпарвар бки ...хафталаридаёқ шабоев ҳам фронтлар қатори Те... Оғир жанг... отланди. ...лармиди! Одессани унутиб бў...ровск, Харьков... ...ов, Днепропетр...кўқда чарх уриб ...учиш эмас — партизанларга озиқ қилиш, ёки етказиб бериш керак... ...ўқ-дори, донликнинг жанговар... эди. Қўмонни сидқидил бажариш...ириқлари. Гвардиячи капитан Шаҳ...ерак эди. ...вич Тешабоев ўзининг ...Курашероҳлари билан ана шунд...ар ҳам топшириқларни бажариш ...муҳим ...пича тунда — булутлар ...н кў...ўтар, душман айғоқчиларига ...сидан масликка ҳаракат қилиб, ...дир... ҳам баланд учишарди. ...тез.

Топшириқлар... Муҳим топши...лар. Бажариш оғир, аммо бажа...шарт!

— Топшириқ бўлдими, учар эдик. Душманнинг пала-партиш ўқ узиши... бизни ваҳимага солмас эди. Мақсад — картада белгиланган нуқтага етиб бориш. Партизанлар озиқ-овқат ва ўқ-дорини қабул қилиб олишдими, биз ёғил тортардик, — дейди Тешабов.

Кўрагидаги «1-даражали Улуғ Ватан уруши» ва «Қизил юлдуз» жанговар орденлари ҳамда бир қатор медалар душман орқасидаги партизан қ...рядлари билан алоқа ўрнатишда Бш штаб топшириқларини намуналибажарганлиги эвазига берилган унга

Улуғ Ватан уруши тугагач, Шариф Курбаевич яна ўз вазифасига — граждан ҳаво флотида ишлашга ўтди. ...тагин одамларнинг узоғини яқин қилиш нияти билан осойишта ва ...м-кўк фазода парвоз қилди. Лекин ундаги ташкилотчилик қобилият ва иш тажрибаларини ҳисобга олибуни раҳбарлик вазифаларига кўтаришди. Дастлаб, 1946 йилдан 1947 йилнинг декабригача, Нукус аэропортининг бошлиғи бўлиб ишладди. Кейин, Фарғона аэропортига бошлиқ қилиб олишди. Бу ерда у ишга бўлган масъулияти, одамлар билан муомаласи орқали ҳаммага ўрнак бўлди. Коммунист Тешабоев ўз вазифаси билангина чегараланиб қолмай, маҳаллий ташкилотларнинг топшириқларини ҳам ўринлатиб ado этди. Ишчанлиги, омма орасидаги фаолияти билан халқ ишончига сазовор бўлди. 1949 йилда уни Фарғона шаҳар Советига депутат қилиб сайлашди. У, бу ишончни оқлади. Ишдан кейинги соатларда сайловчилар орасида бўлди. Улар билан дилдан суҳбатлашди, ҳамиша уларнинг накавларини бажаришга ҳаракат қилди.

Халқ хизматини қилган, кўпчиликка манфаати теккан кишини эл сийлайди. Қўёшли республикамизнинг 25 йиллик тантанаси кунларида Тешабоевнинг хизматлари ҳисобга олинди, Партия ва ҳукуматимиз ўзбек учувчисини Ҳурмат белгиси ордени билан тақдирлади.

Узоқ йиллар давом этган ҳалол меҳнат уни эъзозлади. Киши келажак учун, ҳамма учун ўз умри давомида ўрнак бўлиб борса, ҳамиша ҳурматда бўлади. Тешабоев ҳам ўзи босиб ўтган шу йиллар мобайнидаги меҳнати натижасидан хушнуд бўлди: СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан иккинчи марта Ҳурмат белгиси ордени билан мукофотланди. Граждан ҳаво флоти Бош Бошқармаси эса, кўп йиллик яхши хизматлари учун кўксига «Аэрофлот аълочиси» значогини тақиб кўйди.

Шариф 25 йилдан зиёд парвоз қилди. Шунинг учун ҳам Улуғ Ватан уруши йилларидаги жанговар хизматлари ва учувчилик соҳасидаги кўп йиллик иши эътиборга олиниб, ёшига қарамай, унга пенсия белгиланди. Лекин, суяги меҳнатда қотган киши беиш юраолармиди...

Шаҳар партия комитети 1961 йилда уни «Узлесстройторг» ихтиёрига юборди. Дастлабки йилларда «Узлесстройторг»нинг Кўйлиқ базасида директор бўлиб ишлади. Ҳозирги кунларда у, Ўзбекистон ССР Савдо министрлигига қарашли «Узлесстройторг» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишламоқда.

Биз Тешабоевлар оиласи ҳақида уларнинг ҳамкасбларидан фақат яхши гапларни эшитдик. Дўстлари «учувчилар оиласи» деб таърифлашди уларни. Дарҳақиқат Шарифнинг акаси Холмат Тешабоев ҳам учувчи. У ҳозир Сергели аэропортининг бошлиғи бўлиб ишлаб турибди. Укаси Орип Тешабоев эса, Улуғ Ватан уруши йилларида кўкда парвоз қилиб, душманга қарши жангларда иштирок этган. Учувчи ака-укалар жангда ҳам, тинчлик йилларида ҳам парвоз қилишди. Ҳам Ватан олдидаги бурчларини ado этишди, ҳам эл-юртга нафи тегди уларнинг.

Учувчилар оиласи. Октябрь қўёши нуридан баҳраманд бўлган бундай оилалар кўп — улар Иттифоқимиздаги ҳамма республикаларда бор. Буларнинг саодатли ҳаёти инқилоб қўёши шарофатидан...

Шариф Тешабоев ҳамма қатори ишга кетар экан, ана шулар ҳақида ўйлайди, ўз тақдиридан мамнун бўлади. Кўчада хушнуд ўтиб бораётган одамларга меҳрибона боқади-да, шу нур, шу йўл туфайли қувончга тўлган қалбларни ўз юбилейига таклиф этгиси келади, байрам арафаси кунларя ўз шодлигини ҳамма билан ўртоқлашгиси келади, замонамиздан мамнун бўлган ҳолда одимлайди.

Н. ТОШПУЛАТОВ.
З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Шу кунларда Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг деҳқонлари баҳорги чигит экиш кампаниясига қизғин тараддуд кўрмоқдалар. Суратда: колхозчилардан Х. Нуралиев ва Т. Пирматов ўртоқлар пахта пунктидан чигит қабул қилиб олмоқдалар.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

«Москва» совхозининг бригада бошлиқлари,механизаторлари, ҳисобчи ва шоферлари билан суҳбатлашдик. Улар ўтган хўжалик йили мувафақиятли якунлангани ҳақида қувоқ билан сўзлайдилар. Совхоз давлатга 21 тонна ўрнига 242 тонна дон, 791 тонна ўрнига 1933 тонна қовун-тарвуз, пландаги 218 тонна ўрнига 228 тонна картошка етказиб берган. Бир йилда сабзавот тайёрлаш 310 тонна кўпайтирилган.

Мўл ҳосил туфайли хўжаликнинг экономикаси мустаҳкамланди. Янги техниканы кўпайтириш, маданий-маиший муассасалар тармоғини кенгайтириш, поселкага водопровод келтириш имконияти туғилди. Меҳнаткашларнинг шахсий даромади ҳам ошди. Энг муҳими, ...дилдан чиқиб, рентабел бўла бошлади.

Совхоз коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бошланган мусобақага қўшилиб ғайрат билан ишламоқда. Тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва агрегатлари ремонти тугалланай деб қолди. Маҳаллий ўғит тўплаш қизғин давом эттириляпти. Сабзавотқорлар агрозоотехника курсларида ўқиб, ўз билимларини оширяптилар.

— Ютуқларимиз бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди, — дейди совхоз бош агрономи Абдуҳалил Зуфаров, — ишда айрим камчиликларга йўл қўйилиши туфайли мўлжалларга марра...мизга етаолмаяпмиз. Ана шундай камчиликлардан бири ҳосилдорликда бригадалар орасида кескин тафовут бўлиб қолаётганидир. Ерсув, ишчи кучи, техника воситалари бир хил бўлган бригадаларда картошка, помидор, қовун-тарвуз, пиёз ва бошқа экинлардан ҳар хил миқдорда ҳосил етиштирилмоқда. Ёки экиннинг бир туридан катта хирмон кўтаридаётган бўлса, бошқа турининг хирмони кўнглимизни тўлдирмаяпти. Юбилей йилида ана шу камчиликларни бутунлай тугатиш ниятидамиз.

Бош агроном совхознинг биринчи, бешинчи, олтинчи бригадалари аъзолари ҳосилдорликда байроқдорлик қилаётганликларини мамнунлик билан қайд қилди. Бу бригадаларда гектаридан олинган ҳосил бир йилда 8—10 тонна кўпайтирилган, сорти яхшиланган. Совхоз маъмурияти, партия ташкилоти бошқа бригадаларни ҳам шулар даражасига кўтариб, ялпи юксалишга эришиш тадбирларини белгилади.

—Халқимизнинг дастурхони тўкин-сочин бўлиши учун тер тўкиб меҳнат қиляпмиз-у, — деди бригада бошлиғи Х. Ҳошимов, — биз етиштирган ноз-неъматларни меҳнаткашларга етказиб бериш кафилини олган айрим ташкилотлар маҳсулотимизнинг сифатини бузиб харидорга олиб бормоқда. Бу ҳақда ҳозир гапирмасак қачон гапирамиз? Ўтган йили кузда шаҳарга тушиб сабзавот магазинларини айландим. У ердаги помидор, пиёз, карамни кўриб жуда хафа бўлиб кетдим. Маҳсулот чириган, бужмайган, сарғайиб олачипор бўлиб кетган. Наҳотки, биз шундай маҳсулот етиштирган бўлсак? Йўқ, деҳқон бунақа маҳсулот етиштирмайди! Гап шундакки, биз тайёрлаган маҳсулотлар бригададан совхоз базасига, у ердан «Плодоовошчторг» нинг қабул пунктига, пунктдан эса савдо тармоқлари, истеъмолчи муассасаларга юборилади. Тележкадан машинага, машинадан омборга, омбордан магазинга етгунча маҳсулот ўз сифатини йўқотади. Бизнингча, маҳсулотни даладан наряд билан тўғридан-тўғри истеъмолчиларга жўнатиш тўғрисида конкрет бир фикрга келиб, бу ҳақда аниқ тадбир белгилаш керак.

— Жуда тўғри айтдингиз, — маъқуллади бошқа бригадир Абдужамол Ширинов, —ноз-неъматлар тайёрлаш йилдан-йилга кўпайяпти-ю, тайёрлов органлари уни сақлаш, сифатли ҳолда харидорга етказиш тўғрисида астойдил ўйламаётирлар. Маҳсулотимиз ахолини йилнинг тўрт фаслида таъминлашга етади. Лекин унинг бир қисми чириб нобуд бўляпти. Қанча меҳнат зое кетяпти. Хўжалик зарар кўряпти. Мана, бизнинг бригадамизни олиб кўринг. 1966 йилда пландаги 87 тонна ўрнига 118 тонна помидор тайёрланди. Тайёрлов органлари шу помидорнинг ҳаммасини қабул қилиб олди. Бизнинг фикримизча, тайёр маҳсулот пешма-пеш қабул қилиб олиниб, юқори сифат билан харидорларга етказиб берилиши керак. Бунинг учун ҳар бир хўжалинда, тайёрлов базаларида ҳозирданоқ етарли миқдорда яшчиклар ҳозирлаб қўйиш керак. Пишиқчилик вақтида яшчик етишмай югуриб юрмайлик.

Ҳақли эътирозлар. Деҳқон юқори сифатли помидор, карам ва бошқа маҳсулотлар етиштирса-ю, идиш етишмайди баҳонаси билан унинг нобуд бўлишига йўл қўйилса, сорти бузилса! Бу — деҳқон меҳнатини қадрламаслик, истеъмолчига ҳурматсизлик! Тайёрлов органлари пишиқчиликни кутиб ўтирмай шу кунларда узоқ муддат чидайдиган, сортини бузмайдиган зарур идишларни тайёрлаб қўйиши, иложи бўлса хўжаликларга етказиб бериши лозим.

Совхоз ўтган йили давлатга 275 тонна помидор, 153 тонна редиска, шолгом, турп, 126 тонна карам, 53 тонна сабзи, 187 тонна пиёз сотди. Бу маҳсулотларнинг асосий қисмини «Плодоовошчторг»нинг «Назарбек» пункти қабул қилди. Лекин жой етишмаслиги туфайли маҳсулотнинг бир қисми бошқа пунктларга жўнатилди. Натижада транспорт ўз вақтида тайёр бўлмай катта қийинчиликларга дуч келинди. Чиғатой, «Оқтепа»даги пунктларда эса юк ортилган машина, тележкалар узоқ навбат кутиб қолди. Деҳқонлар қайси пункт қанча маҳсулот қабул қилишини ҳозирдан белгилаб қўйиш ортиқча оворагарчиликка йўл қўймасликни талаб этмоқдалар.

Деҳқонлар яна бир муҳим масалани ўртага қўйяптилар. Ҳар бир хўжалик ўзига қарашли томорқага резавор ва сабзавот экинлари экади. Олинган ҳосилнинг бир қисмини ўз эҳтиёжига ишлатади. Эҳтиёждан ортиқчасини сотиши керак. Тўғри, бу соҳада райо... матлубот жамияти, ишчилар таъминот бўлимлари уларга яхши ёрдам беряпти. Жойларга ташкилотчи вакиллар келиб хонадон бошлиқлари билан шартнома тузяпти, маҳсулотни қабул қилиб оляпти, тегишли ҳақни вақтида беряпти.

Бироқ бу билан кифояланиш мумкин эмас. Бизнингча, маҳсулот харид қилишга район матлубот жамияти, унинг органларидан ташқари давлат савдо ташкилотлари бош-қош бўлишлари керак. Деҳқоннинг маҳсулоти қанча тез харид қилинса, унинг қўли шунча тез бўшайди, яратувчилик меҳнати билан янада кўпроқ шуғулланади.

Калинин районидаги «Москва» совхози сабзавотқорлари диққатга сазовор масалани ўртага қўйдилар. Уларнинг ҳақли эътирозини эшитиш, амалий тадбирлар белгилаш, даставвал «Плодоовошчторг» ходимларининг сидқидилдан ишлашлари зарур. Бу тўғрида тегишли ташкилотлар жиддий ўйлаб кўрсалар, жуда соз бўларди.

М. НАЗАРОВ.

ТАЙЁРЛОВ ОРГАНЛАРИ ИШИ ТЎҒРИСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Янги шеърлар

БУЮКЛИК

Буюклик!
Бу сўзни баъзан дўстларим,
Юксак тоғлар билан этишар
қиёс,
Аммо, менда бордир жиндай
эътироз:
Буюклик — бу инсонийликдир,
Инсондаги жаҳонийликдир!
Буюклик —
Инсоннинг порлоқ даҳоси
Мен уни ўргандим, Лениндан,
Асл маъносини англадим
чиндан
Буюклик — инсоний муҳаббат,
Бир олам камтарлик, садоқат!
Буюкликни
Яратмиш инсон!
Владимир Ильич!
Ер яратган оддий инсонсан,
Буюкликда теңсиз жаҳонсан!
Сен-ла эгизакдир буюклик,
Сенсан асрим учун суюклик!
Буюклик!
Бу сўзни баъзан дўстларим,
Юксак тоғлар билан этишар
қиёс,
Аммо, менда бордир жиндай
эътироз:
Буюклик — бу инсонийликдир,
Инсондаги жаҳонийликдир!

Душан ФАИЗИЕВ.

БИР ЧЎҚҚИНИ ЗАБТ ЭТДИМ...

Бир чўққини забт этдим ман,
Иккинчиси олдинда.
Уни ҳам забт этсам деган
Орзу ёнар қалбимда.
Аммо кутар сўқмоқли йўл,
Яшил ўрмон, чаналан...
Ёмғирли йўл, чақмоқли йўл,
Қоялар юксак-юксак.
Гоҳ ҳамроҳим бўлар Оқсой,
Гоҳ чиқаман сайҳонга.
Менинг юрган йўлларим бой,
Ялпиз, чечак, райҳонга...
Руҳим тетик, унча-мунча
Тоғу-довон писандмас,
Фақатгина кун ботгунча
Манзилимга етсам бас!
Уфқларни кўзлаганман,
Оташ бор қарашимда.
Бир чўққини забт этдим ман,
Иккинчиси қаршимда...

Хайриддин САЛОХ.

В. И. ЛЕНИН ЭЪЛАНГАН АСАРЛАРИНИНГ УЧ ТОМЛИГИ

Сиёсий адабиёт нашриёти В. И. Ленин танланган асарларининг уч томлигини нашр қилиб бўлди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти тайёрлаган бу нашрнинг ҳозиргина учинчи, охирги китоби босилиб чиқди.

Биринчи томига 1897 йилдан то 1916 йил сентябрига қадар бўлган даврда ёзилган асарлар кирган. Биринчи том: «Карл Маркс (қисқа биографик очерк ва марксизмнинг баёни)», «Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми», «Марксизм ва ревизионизм» деган мақолалар билан бошланади.

Иккинчи томга В. И. Ленининг 1907 йил март 1918 йил ноябрда ёзган асарлари киритилди. Бу асарларда Владимир Ильич Буржуа демократик революцияни социалистик революциягa айлантириш учун, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси учун, Совет ҳокимиятининг биринчи даврида пролетариат диктатурасини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун курашда коммунистик партиянинг стратегиясини ва тактикасин ишлаб чиқди. Китобда эълон қилинган асарларда Россияни империалистик урушдан чиқиб олиши, совет давлатини вужудга келтириш ва социалистик жамиятқуриш учун партия олиб борган урашнинг энг муҳим масалалари ёритиб берилган.

Учинчи томга В. И. Ленининг 1918 йил октябридан то 1923 йил мартига қадар бўлган даврда ёзган асарлари киритилди.

Бу асарларда В. И. Ленин марксизм назариясининг энг муҳим қоидаларини ривожлантиради, мамлакат мудофаси масалаларини ёритиб беради, социализм қуриш плакини ишлаб чиқади, совет давлатининг ташқи сиёсати принципларини асослаб беради, жаҳон коммунистик ҳаракати проблемаларини кўздан кечиради.

Владимир Ильич Ленин танланган асарларининг уч томли нашри Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихини ўрганувчиларга ёрдам тариқасида чиқарилди. (ТАСС).

Тошкент гидрометереология техникуми студентлари ҳозир бир неча ихтисослик бўйича билим олмоқдалар. Суратда: студентлардан (чапдан ўнгга) Т. Қамчибеков, Д. Мамнева ва Ю. Горелкиплар фото усилители «ИВО» прибори ёрдамида тажриба ўтказмоқдалар.

И. Зайнуддинов фотоси.

ЭЛ ҒАМИДА

У одати бўйича бугун ҳам ишга барвақт келди. Пальтосини ечди-да, стол устидаги газеталарни варақлашга тутинди. Хона шинам. Бурчакдаги жовонларда китоб ва журналлар тахлоғлиқ турибди. Тошхўжа ака касаба союз ҳаётига онд бирор китоб ёки журнални кўриб қолса, дарров оладию, шу жовонларга териб қўяди. Бўш қолди дегунча уларни ўқишга киришади.

Тошхўжа ака кабинетида узоқ ўтирмади. Кеча кечқурун тузиб чиққан планини қўлига олдида, ташқарига чиқиб кетди...

Совхоз касаба союз комитети 689 кишини ўз сафига бирлаштирган. Улар ўтган йили совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда, давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш топшириқларини ортиги билан ado этишда катта жонбозлик кўрсатишди. Ҳозир ҳам коллектив ўртасида ўзаро социалистик мусобақа намунали ташкил этилган. Улар қишки-баҳорги ишларни тез - ва соз ўтказиб, янги йилнинг мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирламоқдалар.

Совхоз ишчилар комитети составига хўжаликнинг турли тармоқларида меҳнат қилиб, обрў топган илғорлар сайланган, Комитет ҳузурида 9 та комиссия ишлаб турибди. Совхоз инженери Обид ака Маҳмуджонов шундай комиссияларнинг бирига бошчилик қилмоқда. Унинг зиммасига совхозда маданий-маиший хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтиришдек муҳим вазифа юкланган.

Кунларнинг бирида Обид ака шаҳардан майда-чуйда олиб келаётган бир ишчини кўриб, ўйланиб қолди. Совхоз территориясида 6500 аҳоли яшаяпти. Лекин биттагина нонвойхона шунча одамнинг эҳтиёжини албатта қондира олмайди-да. Обид ака ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Нонвойхоналар сони учта бўлгандагина аҳолининг эҳтиёжи тўла қондирилар экан. Шу масалани касаба союз комитети ва маъмурият олдига қўйди. Таклиф ҳаммага маъқул тушди. Зудлик билан қўшимча нонвойхоналар қуришга киришилди. Ҳозир уларнинг биттаси фойдаланишга топширилган. Иккинчиси ҳам бугун-эрта қўлдан чиқарилади.

Комитет ҳузуридаги доимий комиссиялар ишни жонлантириб юборишлари билан, ишчиликка мукасидан кетган кишилар пайи ҳам қирқилди-қолди. Тракторчи Мирзаодил Усмоналиевни Обид ака бир-икки марта кайф устида учратиб қолди. Кейин у ҳайдаган участкانинг иш сифатини текширди. Ер саёз, сифатсиз ҳайдалган. Кейин билса Мирзаодил ширакайф ҳолда ҳам рулда ўтиравераркан. Тракторчини ўртага олишди. Кўпчилик бўлиб насиҳат қилишди. Тошхўжа ака, Обид ака каби баобрў кишиларнинг насиҳатига Мирзаодил қулоқ солди. Ҳозир у кексаларнинг танбеҳидан кейин анча тузалиб қолган. Ишни соз бажараяпти, оиласи ҳам тинч. Муомаласидаги қўрслик йўқолган.

Ишчилар комитетига тушаётган ариза ва шикоятлар билан бевосита Тошхўжа аканинг ўзи шуғулланади. У аризалар мазмуни билан танишиб, комитет аъзолари муҳокамасига қўяди. Тушган ариза ва шикоятларнинг бирортаси ҳам жавобсиз ёки текширувдан ўтмай қолмайди. Ўтган йили бир кўнгилсиз воқеа рўй берди. Совхоз электромонтери Петро Семидетко ўз вазифасини бажариб турган бир пайтда фалокат юз берди. У, йиқилиб қаттиқ шикастланди. Монтёрни дарҳол касалхонага олиб бориб, тиббий ёрдам кўрсатилди. Оёққа тургач, касаба союз комитети уни санаторийга дам олиш учун жўнатишга қарор қилди. Ишчилар комитети ўрғоқ П. Семидеткога 438 сўм моддий ёрдам кўрсатиш ҳақида совхоз дирекциясига таклиф қилди. Комитет таклифи маъқулланиб, Петронинг санаторийга бориши учун йўлланма берилди.

Совхоз ишчилар комитети яна бошқа соҳаларда ҳам кўпгина тадбирларни амалга ошираяпти. Совхозда бешта болалар боғча ва яслиси, учта кутубхона, чойхона, ошхона, даволаш муассасалари ва магазинлар ишлаб турибди. Уларнинг барчаси касаба союз комитети ҳузуридаги доимий комиссиялар аъзоларининг елиб-югуриши ва Тошхўжа Икромов, Обид Маҳмудиконов, Серикбой Исҳоқов каби жонкуярларнинг тадбиркорлиги билан юзага келган. Хўжалик меҳнаткашлари кўрсатилаётган маданий-маиший хизматдан гоятда хурсанддирлар. Ҳозирги кунда совхознинг кўпгина ишчилари турли дам олиш уйларида ҳордиқ чиқармоқдалар. Улар эканш кампанияси бошлангунга қадар янги куч билан ўз хўжаликларига қайтадилар. Янги йилнинг мўл ҳосили учун енгин баланд шимариб, курашга киришадилар.

Е. МОРДУХАЕВ,
А. МИРЗААҲМЕДОВ,
Калинин районидаги «Қорасув» совхози.

Касаба союз ҳаёти

„ОҚ КАБУТАР“

Драматургиямизда ҳамда театрларимиз саҳнасида шу пайтгача журналистлар ҳаёти акс эттирилмаган эди. Ваҳоланки, турмушимизнинг бу соҳасида ҳам замондошларимиз учун сабоқ бўларли, драмабоп материаллар кўп. Бу жиҳатдан ёш драматург Фарҳод Мусажонов ва Ҳамза номли академик театр коллективи таҳсинга лойиқ иш қилди. Фарҳоднинг «Оқ кабутар» пьесаси, Ҳамза номли театрнинг шу пьеса асосида яратган спектакли муносабати билан драматургиямиз ва саҳнамизга янги тема — журналистлар ҳаёти темаси кириб келди.

Асар қиммати темасининг янгилигидагина эмас, албатта. Асар ҳарчанд янги, ҳарчанд актуал мавзуда бўлса-да, агар маҳорат қозонида пишмаса, томошабин қалбини ўзига ром қилолмайди. «Оқ кабутар» — бу жиҳатдан ҳам эътиборга сазовор. Бунда замондош журналистларимизнинг жонли образларини кўриб, журналистлар санъатига тан бермай иложингиз йўқ.

Бунда илғор журналистларимизга хос хислатлар журналистика соҳасидаги нуқсонларга қарши курашда очилади. Спектакль воқеалари қай йўлдан борсак қандай бўлишимиз, нимага эришишимиз тайинлигига, қандай сифатлардан ҳоли бўлишимиз, қандай сифатларни эгаллашимиз ва камол топтиришимиз зарурлигига ишора беради.

Спектаклнинг замонавийлигини белгиловчи асосий шартлардан бири, ундаги қаҳрамон характери, фикри-зикри, ҳаракати, руҳининг замонавийлигидир.

«Оқ кабутар»даги бош ижобий қаҳрамон Эркин ана шундай бугунги куннинг актив кишиларидандир. У, кураш жараёнида ўсади. Эркин (артистлар О. Юнусов ва М. Рафиқов) қийин шароитда ишлайди. У ўзбошимча, ҳудбин, мансабпараст, шуҳратпараст бошлиғи (Иноғом) билан ё муросасозлик қилиши, ёки уни фош этиши керак. Эркин иккиланмай, иккинчи йўлдан бориб, ўз виждонини азобда қолдирмайди, дадиллик, принципиаллик кўрсатади.

Спектаклдаги воқеалар Эркин ва Иноғом характеридаги қарамақарши томонлар туфайли тобора кескинлашиб, ҳаёт-момот кураши тусини олади. Иноғом — ҳудбинлиги, шуҳратпарастлиги йўлида савияси паст «мақола» авторининг амалидан фойдаланмоқчи, шунинг учун унинг «мақола»сини Эркинга ишлатмоқчи, ишлатиб, журналистлар навбатдаги сонида бостириб чиқармоқчи. Эркин эса, бу «мақола»ни қунт билан кўриб чиқиб, уни таҳрир билан эпақага келтириб бўлмаслигини билади. Яхшиси, уни эгасига қайтариш керак. Аммо, бундай қилинадиган бўлса, Иноғомнинг ўйлаб қўйган режалари рўёбга чиқмайди. Режаларини амалга ошириш учун у ҳар нимага, ҳар қанча мунофиқликларга тайёр.

Иноғом мансабидан фойдаланиб Эркинга ҳалиги бўш «мақола»ни ишлашни буюради. Унинг буйруқ беришдаги хатти-ҳаракатлари, сўзлари, мимикаси, шахсий манфаатини сиртқи меҳрибонлик, талабчанлик, жонкуярлик пардасига яшира оладиган шахслигини актёрлар маҳорати туфайли тўла намоён қилади (Иноғом — З. Муҳаммаджонов ва Т. Орифов, Эрмат — М. Юсупов). Бошлиғининг мазкур буйруғи туфайли Эркин оғир шароитга тушиб қолади. Агар у, ўз манфаатинигина ўйлайдиганлардан бўлса, шароит унга оғир туюлмас эди. Инсоний бурчи, вазифаси талабларига оғишмай амал қиладиганларданлиги учун бўш мақоланинг чиндан ҳам бўшлигини, уни ишлаб бўлмаслигини рўй-рост айтади. Бироқ, бошлиғи уни ҳалиги буйруқни бажаришдан бошқа иложи қолмайдиган вазиятга солиб қўяди. Шу муносабат билан унда юз берадиган чуқур психологик ҳолатларни артистлар жуда яхши очиб бериб, шу онда унинг жуда ҳам мушкул ҳолатдалигини тўла тасаввур этишимизни таъминлайдилар.

Жуда қийин аҳволга тушиб қолган Эркин тақдирининг нима бўлишини ўйлаб қайғурамиз, ташвишланамиз. Ахир, ўзингдан каттанинг — айниқса, Иноғомдай ўзбошимча, қалби нопок раҳбарнинг фармойишини рад этсанг, унинг бошингга не-не балоларни ёғдириши, сени айбсиз айбдор қилиб қўйиши тайин-ку? Эркин бошлиғининг ҳалиги буйруғини қатъиян рад этади. Эркин раҳбари Иноғомнинг эгри ниятига етишмоқчи бўлаётганини кўриб, жим қараб турадиганлардан эмас. Эркиннинг унинг бу хатти-ҳаракатига жавобан ўзини ишдан бўшатишларини сўраб ёзган аризаси адолатсизликка билдирган кескин норозилиги белгиси, курашда бугун енгилгандай кўринган қаҳрамоннинг эртага енгажаги муждаси, иллаталарга қарши принципиал курашчилиги намунасидир.

Иноғом билан Эрматнинг Эркин аризасига бўлган муносабатларини таҳлил этишда спектаклда баъзи бир нуқсонлар кўзга ташланади: Иноғом — маккор, айёр, мунофиқ киши. У мунофиқлик пардасига пухта ниқобланиб олган, оловни бошқалар қўли билан ушлайдиган, ишни ўз манфаатига мослаб, юлдузни бенарвон урадиган шахс. Бунинг бу сифатлари артистлар ижросида жонланиб, бундайларни фош этиш бениҳоя мушкуллигини англатади. Шунинг учун ҳам унинг Эркинни аризасига бинан ишдан бўшатиш фикрида қаттиқ туриб олиши характери мантиқига у қадар мувофиқ эмас. Чунки, зиддиятга сабаб бўлган мақолага нисбатан муносабатда Эркиннинг ҳақлигини, ўзининг ноҳақлигини у билади. Бу мақолани босиб чиқариш орқали у қандай шум ниятни кўзлаётганлигидан Эркиннинг хабардорлигини ҳам билади. Эркинни ишдан бўшатиш билан «жанг» тугамаслиги, Эркиннинг уни ўзил-кесил фош этмагунча тинчи-тинчимаслиги, уни фош этиш учун асосли далиллари борлиги унга маълум. Бинобарин, у, Эркинни ишдан бўшатиш орқали уни ўзига қарши янада кучлироқ қуроллантиради, курашда Эркин ғолиб чиқишига йўл очиб берадики, бу ҳол, бу маккорнинг ўзига хос хусусиятлари маъносига зид. Эрмат Эркинни ҳақли равишда, қобилиятли, ўсувчи журналист деб билади. Шунинг учун ҳам уни Иноғомнинг ҳар қанча зорланишига қарамай, ишдан бўшатмайди. Лекин Иноғомнинг ишончсизлиги ва ёвосига лақиллаб, кейинчалик ишдан бўшатишга мажбур бўлади.

Артистлик санъати ҳақида гап борганида, Ғ. Аъзамов ва Т. Ҳонтўраевнинг, Р. Аҳмедова ва С. Норбоевеннинг, П. Носиров ва Ҳ. Абдурасулевнинг Сайфиқори, Нигора, Пўлатжон, Шодмонбекларнинг жонли образларини яратишда кўрсатган маҳоратларини ҳам алоҳида қайд этишга тўғри келади. Буларнинг ўз персонажларни устида қунт билан ишлаганликлари сабабли, дўстга содиқ, дўст дардига малҳам бўлувчи, дўстнинг ҳақ ишини ҳар қандай қийин шароитларда ҳам қўллаб-қувватловчи, уни адолат жангида галабага руҳлантирувчи фидокорларнинг индивидуал характерли, эстетик таъсирбахш образлари рўй-рост қад кўтаради. Айниқса, Ғ. Аъзамов ва Т. Ҳонтўраев аввалларги маълум шароит, маълум шахслар таъсирида пассивлашиб қолган, ҳақсизликка қарши дадил отилиб чиқишга журъат этолмай юрган Сайфиқорининг Эркин таъсирида активлаша боришини, фикрий улғайишини, сарқитларга қарши фаол курашчига айланишини моҳирона, санъаткорона гавдалантиради. Шунингдек Т. Юсупова ва Л. Бадалова ҳам, И. Болтаева ва С. Каримова ҳам, С. Сотиболдиева ва С. Икромов ҳам, Р. Авазов, М. Каримов ва М. Содиқов ҳам асосий қаҳрамонларнинг муҳим томонларини очишда муҳим роль ўйнайдиган ёрдамчи персонажлар ролини ишонарли ижро этадилар. Артистларнинг ижрочилик санъатида эришган муваффақиятларида асарни саҳналаштирган режиссёр Н. Отабоевнинг, постановка раҳбари — ЎзССР халқ артисти Т. Ҳўжаевнинг хизматлари катта, албатта. Актёрларнинг маълум бир персонажнинг маълум бир пайтдаги руҳий ҳолатини, хатти-ҳаракатини усталик билан очиб беришини кўриб, таълим олишимизга балли, дейимиз.

Рассом Ч. Собиров воқеа, шароитга мос, персонажлар руҳига, характерига, ҳолатга, хатти-ҳаракатига мувофиқ декорацияларни билан спектаклнинг таъсирчанлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўша олган.

Эрмат ва Иноғом билан ўтли Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган чол орасида ҳамда Эрмат билан Ҳанифа хола орасида юз берадиган ҳодисалар ўзича алоҳида олиб қараганда, жуда муҳим, жуда аҳамиятли. Бунда Эрмат ва Иноғомнинг ҳар бирига хос кирдикорлари характерли деталларда очилади. Бироқ бу ҳодисалар спектаклда қўйилган бош масала билан кенгроқ алоқадорлиги, ҳеч бир конфликт дарёсига ирмоқдай бўлиб қўйилмайди, шунинг учун ва ишчи-деҳқон мухбирларининг ҳодисалар ортиқчага ўхшайди.

Спектакларда ҳамма гапнинг ҳисобига, ишдан-ишсизгача ҳисобланиб, конфликтни ижобий ҳал қилиш, ҳамма рамоннинг узил-кесил ўзи билан ҳал қилиш шарт эмас. Шунинг учун ҳалқ ишлари ҳар қандай ҳолларда масалани ўзи ўйлаб ечишни томошабинларга ҳавола қилиш билан ишларнинг тақдирига қизиқтирмоқ, кўпчилик керак. Шунга қарамай, ижобий постановкалар қурр кучиши, кучнинг тамомила ҳаёт билан тамурод-мақсадига шаблон тусимомланиши. Бу ҳам «Оқ кабутар»ни олиб қолиши. Бунда, агар «Оқ кабутар»да ҳам Эрмат ва Эркин иноғомсиз узил-кесил ўзича қарши келажакка ғолиб ва ғолиб чиқмоқ ва қилиш билан чиқажагига унинг тақдирига қизиқиш ва ёрдамчи кирдикорлар, томошабинларнинг кўпчилик ва ишчи-деҳқон мухбирларнинг ва ишчи-деҳқон мухбирларнинг ва ишчи-деҳқон мухбирларнинг